



ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 11 март ● сешанба ● № 11 (570) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Тизим адбирлари

ҚОНУН ТАРБИЁТИ

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан жойларда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун тарғиботи ва ташвиқотиға бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Касби туманида бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ижтимоий-сиёсий, болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришдаги аҳамияти хусусида фикр юритдилар.

Ушбу ҳужжат ёшлар манфаатларининг муҳим қонуний асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ойдин АНОРОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

СУЯНЧ БУЛИШ

Жиззах вилояти, Зомин ФХДё бўлимида 1995 йилдан буён "Оила мактаби", "Оила дорилфунуни" ўқув-тарбиявий курслари ишлаб турибди. Бу ерда янги турмуш қураётган ёшларга оиланинг муқаддас қўрғон экани, ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчи, бир-бирлари олдидаги масъулияти, қизларни эрта турмушга узатмаслик, никоҳгача тиббий кўриқнинг афзалликлари каби мавзуларда сабоқ берилди.

Ўтган йил мобайнида жойларда 48 та суҳбат ташкил этилиб, уларда 1500 нафар йигит-қиз қатнашди. Туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон" маҳалласида бўлиб ўтган "Қайнона келин аҳилиги — оила аҳилиги" деб номланган тадбир кўпчиликти қизиқтириб уйғотди. Унда маҳаллалардан ибратли қайнона-келиндар тақлиф этилиб, ёшларга ўз ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб беришди. Бундай учрашувлар ва тадбирлар тумандаги барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Қувонарлиси, тарғибот ишлари ўз самарасини бериб, ёшларимиз оила қуриш, уни муқаддас даргоҳ сифатида асраб-авайлашга теранроқ ёндашишмоқда.

М.РАЖАБОВА,
Зомин тумани
ФХДё бўлими мудири

"ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИДА

келажак авлоднинг ҳар жиҳатдан камол топиши учун муҳим саналган йўналишлар, узоқни ўйлаб юритилаётган сиёсатимиз замирида ётган асосий масалалар қамраб олинган



Хабарингиз бор, матбуотда Президентимизнинг "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда "Ёшлар йили"да режалаштирилган, давлат сиёсати даражасига кўтарилган, бажарилиши лозим бўлган ўта муҳим ишларнинг асоси, негизи, моҳияти кўрсатиб берилган.

Дастурда кўзланган мақсадни аниқлаб етган киши бир нарса ниҳис қилади — дастур нафақат "Ёшлар йили" ёки бир-икки йиллик вақт билангина чегараланиб қолмайди, балки унинг ўйлаб келаётган авлоднинг ҳар жиҳатдан камол топиши, она юртва таянч суянч бўлиши учун муҳим саналган йўл-йўриқларни, узоқни ўйлаб юргизиладиган сиёсатимиз замирида ётган стратегик масалаларни қамраб олган.

Дастурда бугуннинг қандай кечиси, ёшларга берилган бугунги сабоқ, тарбия, таълим эртанги куннинг меваси бўлиши шартлиги ўқтирилади. Бугун эртанинг бошланиши деган қадим-қадимлардан шаклланиб келаётган ўлмас ақидаларимиз сингдириб юборилган.

Дастур ёшлар эртаси — миллатимиз келажакнинг аниқ-тиниқ устувор йўналишларини белгилаб беради. Ёшлар ҳуқуқининг ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани тақомиллаштириш бўладими, таълим жараёнининг узлуксизлиги — кадрлар тайёрлаш бўладими, урф-одатларимизга содиқ, эътиқоди мустахкам авлоднинг тарбиялаш бўладими, ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, моддий-маънавий рағбатлантириш бўладими ҳар қайси банди, ҳар қайси йўналиш ҳақида алоҳида тўхталсак, алоҳида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борсак, мунтазам равишда матбуотда чиқишлар қилсак арзийди. Чунки Дастурнинг ҳар бир банди, ҳар бир хатбошисини ёшлик иморатининг мустахкам устуни, гуркираб мева бераётган келажак дарахтининг Она замирга чуқур кетган илдизларига қиёс қилмоқ мумкин. Уларнинг ҳар қайсисининг ёшларимиз ҳаётида ўз муносиб аҳамияти бор. Шунинг учун ҳам Дастурдаги йўналиш ва кўрсатмалар бу бебаҳо ҳужжатнинг мукамаллигини тасминлаб турибди.

Эътибор берган бўлсангиз, Дастурда "...ёш авлоднинг ҳаётга қатъий эътиқоди ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура

Мухаррир минбари

оладиган миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш" га ҳам алоҳида урғу берилган.

Хўш, нега бундай дейилмоқда? Нега бу гап Давлат дастури даражасида ҳуқуқат миқёсидаги минбардан айтилмоқда? Агар ҳиддий ҳулоса қиладиган бўлсак, бу гаплар беҳуда айтилмаётгани, бу борада маълум маънода хавотир олишимизга асослар борлигини ҳис қиламиз.

Масалан, бугун мафкуравий хуруж, мафкура қуроли, ахборот ҳамлалари деган тушунчалар пайдо бўлаётгани бежиз эмас. Мафкуравий таълиқларнинг ядро қуролларидан ҳам хавфлироқ эканлиги, бугун дунёда устуник қилиш учун қуролроғ ваҳимаси билан қутку солиш шарт эмаслигини, ҳар қандай миллатни мафкуравий хуружлар билан эгаллаш, бунинг учун энг аввало, ўша миллатнинг ёш авлоди, униб ўсаётган ўсимлари онгини заҳарлаш заруратга айланганини барчамиз аниқлаб етишимиз керак. Мафкура қуроли ташқи таъсир қучлар томонидан "босиб олиниши" режалаштирилган миллатларнинг ёшларига қаратилади. Яъни ўзга, ёт мафкуралар хамиртуруши бўлган ғоялар ўзга миллат ёшларига онгига сингдириб борилади. Шунинг учун ҳам мафкура қуроллари авиабазаларга, муҳим стратегик объектларга қаратилмайди, аксинча, мафкура қуроллари болалар боғчалари, мактаблар, таълим-тарбия ўчоқлари, ўқув масканлари, хуллас, ёшлар, ёш авлод жам бўладиган даргоҳларга қаратилади.

Мафкура қуроли таъсирда китоб ўқимаймиз, ана DVD орқали дискларга муҳрланган "ҳаёт" га сайр қиламиз, дўстларимизга юрагимизни ўртага қўйиб хат ёзмаймиз, SMS жўнатамиз, китоб зерикарли туолади, ур-сур, фахш ва ёвузлик урчиган фильмлар қизикарли туолади, улар фарзандларимизни ўзига оҳанрабодай тортиб олаверади. Глобаллашув ялови остида дунёда мафкура харитаси пайдо бўлаётгани, бу харита ўргимчак түри янглиг ўзга миллатлар руҳини ҳам ўраб-чирмаётгани сир эмас. Узоққа бормайлик, ТВни қўйинг — умумдемократия тарғиботи, сен ҳам бизга ўхша, сен ҳам биздай яша, фикринг, ўзингни унут, мендан андоза ол, деган руҳ сингдирилган, вестеринизация оқимининг мағзаваларидан бошқа нарсас бўлмаган фильмлар устуник қилаёт-

ганини англайсиз. Санъатчи? Санъат намунаси сифатида шовқин-сурон, бадабанлардан иборат тўс-тўполонлар ёшларимиз онгини, ТВ қаршида мўлтираб турган ўғил-қизларимиз миясини заҳарламаймизми? Хорижона қий-чув ва алламбало бақирликлар оқаваси ўлароқ, бугунги ўзбек эстрадаси ҳам чайқалиб турибди. Айниқса, хаваскор ёшларимиз айтаётган айрим кўшиқларни эшитиб ер ёрлса-ю, ерга кириб кетсам дейсан, уяласан. Бу нима, бу қандай алжираш? Хўш, бундай бақир-чақирлар қайқандан келди? Биз севмаймиз, биз эътибор бермаймиз, гўё умумсанъат, умумҳаёт тарзи сифатида умумдемократияни тарғиб қилаётган, аслида ўз мафкурасини тикиштираётган ташқи қучлар таъсирда ёшларимиз онгига мафкуравий таълиқ ўтказилмоқда.

Биз кимнинг авлодимиз, биз киммиз, зуваламиз пишган шу тўпроқда не-не улуг аждодларимиз ётибди, дунё тамаддунинг устуларидан бири юртимиз эмасми, дунё тараққиётининг бешиги бизнинг қўна Ватанимиз эмасми, бу бешиқда не-не улуг алломалар улғайган-ку, деган тушунчалар онгида шаклланган авлоднинг ҳеч қандай мафкура буронлари жойидан жилдира олмайди. Ўз тили, урф-одатига юрак томилари билан болганлар авлод умуминсоний кадриятларга ҳам ҳурмат билан қарайди, жамон тараққиётининг гултожи бўлган ақидаларга самимий муносабатда бўлади. Йўқ, ўзликни ёзузлас биқиклик дегани эмас, аксинча, дунёда ўз чехраси, ўз қиёфаси, ўз нигоҳи билан намоён бўлмоқ дегани — ўзини асраб қолмоқ, дегани.

Ҳа, Давлат дастурининг биргина шу бандида, яъни ёш авлоднинг қатъий эътиқоди ва қарашлари билан боғлиқ бандида миллат ёшларини ушлаб турадиган, ботинидан ўқ илдиз бўлиб ўтган ўзликни асраш ғояси сингдирилди.

Хуллас, Давлат дастурининг ҳар бир жумласи, ҳар бир хатбошисида белгиланган устувор вазифалар ҳақида биз журналистлар, қалам аҳли, ижодкорлар тўлақонли таҳлил ва талқинли мақолалар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, ҳужжатли ва бадий фильмлар тайёрласак ва бу жараёни миллат эртаси, ёруғ ва саодатли қуллари билан боғлиқ ҳодиса деб баҳоласак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кўчкор НОРҚОБИЛ



МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА ДАЪВО АРИЗА ЮБОРИЛГАН

Гулистон туманида яшовчи С.Базаровнинг фуқаро Ш. Арипбаев ва Гулистон шаҳар ИИБ ходими А.Қудратовнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Текширишда Гулистон шаҳар, 3-мавзе, 10-уй, 3-хонадонда яшовчи Ш.Арипбаев 4-мавзе, 7-уй, 5-хонадонда яшовчи М.Базаровни алдаб, унга тегишли хонадонни 2007 йил 15 март кун фуқаро Д.Исроиловага 3024000 сўмга сотиб, пулни шахсий ахтиёжи учун ишлатиб юборганлиги, бу билан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 2-қисми, "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганилиги аниқланган.

Аммо Ш.Арипбаев томонидан содир этган жиноят Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори таъсири доирасига тушганлиги босиб, Гулистон шаҳар прокуратураси томонидан 2008 йил 16 февралда унга нисбатан ЖПКнинг 84-моддаси, 1-қисми, 2-бандига асосан жиноят иши кўзгатиш рад этилган ва Гулистон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига М.Базаровнинг манфа-



тини кўзлаб, Ш.Арипбаевдан 3024000 сўм ундириш ҳақида даъво ариза юборилган.

Текширишда С.Базаровнинг аризасида Гулистон шаҳар ИИБ ходими А.Қудратовга нисбатан келтирилган вақлари ўз тасдиғини топмаганлиги учун ЖПКнинг 83-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши кўзгатиш рад этилган. Вилоят прокуратураси томонидан мазкур қарорлар қонунийлигини ўрганиш давомида айрим масалалар юзасидан қўшимча текшириш ўтказиш тақозо этилганлиги босиб бекор қилиниб, терговди текширувчига юборилди.

Баҳодир ЗОХИДОВ,
Сирдарё вилояти прокуратурининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

ИТТ ВАЗИФАЛАРИГА ЎТҚИЗИЛДИ

Ўзбекистон ишбилармон тадбиркор аёллар ассоциацияси Қўқон шаҳар бўлимида "Ёшлар йили" да адлия идораларидан рўйхатдан ўтган ёшлар масалалари билан шугулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг вазифаларига бағишланган семинар-машғулот ўтказилди.

Семинарда вилоят адлия бошқармаси, Қўқон шаҳар ҳокимлиги, Фарғона вилоят ва Қўқон шаҳар "Камолот" ЕИХ раислари, Ўзбекистон фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қўқон филиали раҳбари, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари ўз маърузалари билан қатнашиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришди.

Хусниддин БОЙНАЗАРОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими

НАВОЙ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ЗАРАФШОН ШАҲРИДА ЎТҚАЗИЛГАН ҲУҚУҚИЙ ТАРБИОТ ТАДБИРИНИНГ КУН ТАРТИБИДА ЁШЛАР МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

"Ёшлар йили" да вилоят адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтган ёшлар масалалари билан шугулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг вазифалари тўғрисида батафсил тушунтириш ва тегишли ҳуқуқий тавсиялар берилди.

Юртбошимизнинг ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этиш, ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй ҳўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир ғам-хўрликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Алижон ҚАҲРАМОНОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими

ҲАМКОРЛИКДА ҲАМ

Жиззах Давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конрад Аденауэр фонди ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ билан ҳамкорликда семинар ташкил этилди. Унда "Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқларини тазминлаш ва уларни назорат қилишни ташкил этиш доирасида жазони ижро этиш тизимини тақомиллаштириш" мавзусида мунозара бўлди.

Семинарда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Қаландаров, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё ва Қозғистон бўйича минтақавий мухтор вакили Грегор Рисселе, Олий Мажлис Сенатининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББ масъул ходимлари ҳамда Омбудсманнинг вилоят минтақавий вакили, вилоят адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқлари химоя қилиш бўлими ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этишди.


Шавкат ЯХШИЕВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходими

Ислом КАРИМОВ:

Қонунчилик, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий

Мазкур қўшсаҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий

Покистон жамоатчилиги Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ҳақида



Маълумки, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари кунга кирди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ушбу ижобий қадам дунё ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Республикада ўлим жазосининг бекор қилиниши хорижий оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда Покистон жамоатчилиги доираларида ҳам кенг баҳс-мунозаралар мавзусига айланди.

Покистондаги машҳур сийёсий арбоб, Пешовар минтақавий тадқиқотлар маркази директори, доктор Азamat Хаёт Хон бу борада қуйидаги фикрларини билдирди: "Мустақиллик Ўзбекистон халқи учун янги давр муқаддаси бўлди. Суверен давлатнинг барпо этилиши мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқ фаровонлигини ошириш ва дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш мақсадида республика қонунчилиги, ижроия ва суд тармоғини ислоҳ этиш бошланди. Давлат қурилишининг турли соҳалари ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий тизимларда ўтказилаётган ислоҳотлар бир-бирини ўзаро тўлдирди ва чамбарчас боғлаб туради. Босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотларни боғловчи асосий бўлинма — инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат".

Доктор Азamat Хаёт Хон ўз шарҳида ўлим жазосининг бекор қилинишига Европа ва Лотин Америкасининг қўлгина мамлакатларида ўн йиллаб вақт кетганини мисол тариқасида келтириб ўтади. Ўзбекистон ўлим жазоси бекор қилинган давлатлар қаторига қўшилган экан, бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини яна бир бор аниқ намоён этиб, демократик ислоҳотлар йўлидан очиқшай ҳаракат қилаётганини кўрсатди.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш — Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий вазифаларидан бири, дея баҳо берад экан, покистонлик эксперт бу ўзгаришларнинг барчаси республикадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг амалий кўриниши эканини таъкидлади. "Покистон-Ўзбекистон" дўстлик жамияти президенти, Покистон Ислом Республикаси Сенатининг ички ишлар бўйича қўмитаси раиси Маҳмуд Талха бу борада ўзининг қуйидаги фикрларини билдирди: "Президент Ислом Каримов ўзбек халқининг урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналарига таъбиб, жамиятнинг демократик тараққиётини босқичма-босқич таъминлаб берувчи изчил сиёсат олиб бормоқда".

Халқаро ислом университетининг президенти, доктор Анавар Хусайн Сиддиқийнинг фикрича, "БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган. Омбудсман институтининг пайдо бўлиши ва Ўзбекистоннинг турли минтақаларида инсон ҳуқуқлари бўйича марказларнинг очилиши, мамлакатдаги қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларда хотин-қизлар ва кам сонли миллатлар вакиллари иштирокининг таъминланиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла қўмиталарига кенг вақолатлар берилиши — бу Ўзбекистондаги демократик жамият тараққиётининг яққол самарасидир. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида экспертлардан ташқари, аҳолининг кенг қатламлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этишди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат раҳбариятига ҳолис таҳлилга асосланган тўғри ва пухта ўйланган қарор қабул қилиш имкониятини берди. Давлат аҳамиятига молиқ масалаларни ҳал қилишдаги бундай ёндашув жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин".

Покистонлик экспертлар таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши республика Конституциясида белгиланган ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларига, шунингдек, жаҳонда бу борада қабул қилинаётган меъёрларга тўла мосдир.

"Жаҳон" АА, Исломобод

Мамлакатимизда 1992 йилнинг 9 декабрида Олий Мажлис томонидан "Бола ҳуқуқлари ҳақида"ги Конвенция ратификация қилинган эди. Бу муҳим халқаро ҳужжат асосида республикада 68 авлодни соғломлаштириш ва тарбиялаш, вояга етмаганлар билан ишлаш кенг кўламада йўлга қўйилган. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси васийлик ва ҳомийлик хизмати, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ИИБ, прокуратура, маҳалла билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Самарқанд вилояти прокуратура органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари

бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР

июндаги "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи талаблари асосида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини таъминлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашни

ташқил қилиш борасида 2007 йил мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят Кенгаши ҳамкорлигида вояга етмаганлар

ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мактабга бормасдан бозорларда арава тортиб, савдо ишлари билан шуғулланиб юрган ёшларни аниқлаб, уларни ўқишга қайтариш мақсадида тасдиқланган режаларга асосан, 21 та йирик бозорда рейдлар ўтказилди. Натижада болаларни тарбиялаш ва

таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган 1159 нафар вояга етмаганларнинг ота-оналари ва мактаб директорларига нисбатан қонун доирасида чоралар кўрилди. Олий ва ўрта махсус касб-хунар билим юртлари битирувчилари, ишсиз юрган меҳнатга лаёқатли ва меҳнат бозорига тенг

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда ярашув институтининг жорий этилиши қонунчиликни мустақамлашда ижобий омил бўлмоқда. Бу жараён Бош Қўмисимизда баён этилганидек, фуқароларни ҳуқуқий ҳимоялашда қонунларнинг имкониятини кенгайтирмоқда.

КЕЧИРИМЛИЛИК

манфаати йўлида кенг фойдаланилаётгани туфайли 1700 га яқин иш бўйича 2000 нафарга яқин шахсга нисбатан ярашув қўлланчилик, жиноий жазодан озод этилди. Бу эса халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари қонунларимизда ўз ифодасини топаётгандаларидир. Қолаверса, билиб-билмай жиноятга қўл урганни кечириб, унинг тўғри йўлга тушиб кетиши учун имкон бериш халқимизга хос эзгу амаллардан ҳисобланади.

Қонунларимизда бундай адолат тамойили қонун инсонга хизмат қилиши керак, деган умумбашарий қоидаларга мосдир. Бу жараён, айниқса, жиноятлар учун бел-

гиланадиган жазоларнинг либераллаштирилишида яққолроқ акс этди. Жиноят қонунчилигидаги 110 та жиноят таркиби бўйича санкциялар сезиларли даражада енгиллаштирилган бўлса, 30 тасида қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш чоралари чиқариб ташланди.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар муқаддам Жиноят кодексининг 18,7 фозини ташқил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 48,2 фозига өтди. Ярашув институтини асосан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан қўлланилади.

Жиноят содир этган шахс ўз айбига иқдор бўлса, жиноят оқибатида етказилган зар-

рарни тўласа, жабрланувчи билан яраша, суд ишни тугатади. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган ҳисобланмайди.

Мазкур институт жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини қамайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш принциплари кўпроқ қўлланилишига имкон беради.

Шу боис ҳам ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, хусусан, терговчилар ярашув институтини кенг қўллашга жиддий аҳамият бераётди. Муҳими, шахсинг жазага тортилмаслиги, судланмаслиги, жамиятга, қонунларга бўлган ҳурматини ошириб, қайта жиноят содир этмаслигига имконият яратмоқда.

Анвар ҚўЗИЕВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

Шартнома шarti

ДАЪВО РАД ЭТИЛДИ. НЕГА?

Маълумки, икки ёки бир неча шахснинг ҳуқуқи ва бурчларини вужудга келтирувчи шартномалар иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Яна ҳам аниқроғи, тарафлар ўзаро товарни олди-сотди қилишадими, маълум бир хизматлар кўрсатишадими, ижарага ўли беришадими, бу ҳолатлар шартнома орқали мустақамлаб қўйилади.

Афсуски, баъзи ҳолларда шартномалар шомашошарлик билан тузилиб, қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши унутиб қўйилади. Натижада шартнома интизомни бузишга олиб, қонунга зид ҳаракатлар хусусида судларга даъво аризалари билан мурожаат қилинади.

Фикримизни мисоллар билан ойдинлаштиришга уриниб кўрайлик. Қоровулбозор туманидаги "Нарзиев Мирзабобо" фермер хўжалиги ва "Bukhara Golden Fruit" қўшма корхонаси ўртасида 2006 йил 4 апрелда КБ-18-сонли фючерс шартномаси тузилган. Унга кўра, фермер хўжалиги қўшма корхонага 30 тонна помидор маҳсулотини етказиб бериши лозим эди. Қўшма корхона шартнома шартларидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш учун олдиндан бунак, уруғлик берган. Маҳсулот пишган, уни қабул қилиб, ҳақини тўлашни зиммасига олган.

Мирзабобо Нарзиев белгиланган помидор экиб, шартномада кўрсатилган даражада ҳосил етиштирган. Ҳўш, ҳосил пишиб етилган бўлса, яна қандай муаммо бўлиши мумкин, дерсиз? Айнан шу ўринда ҳуқуқий сваянинг пастиги пинд берди. Фермер қўшма корхона вакиллари маҳсулот учун транспорт воситаси юбориб, помидорни олиб кетишларини кўтди.

"Нарзиев Мирзабобо" фермер хўжалиги раҳбари Мирзабобо Нарзиев вилоят ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, шартномага кўра, унга етказилган 2.500.000 сўмлик зарарни ундириб беришни сўради. Суд ишни кўришдан олдин тарафларнинг мавжуд ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Шартнома интизомига қайси тараф риоя қилмади? Нега шартнома шартлари бузилди?

Фуқаролик кодексининг 14-моддасига кўра, агар қонун ёки шартномада зарарни қамроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.4-бандига кўра, "Тайёрловчи" (яъни жавобгар)нинг

завод ҳудудидаги тайёрлов масканига "Хўжалик" (яъни даъвогар)нинг транспортда етказиб берилиши ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.1-бандига кўра, мазкур шартномада белгиланган ассортимент ва турлари бўйича, белгиланган муддатларда маҳсулот қабул қилиниши асос-

ликсиз рад этилишининг ҳар бир ҳолати учун тайёрловчи хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олинмаган ҳолда, маҳсулотнинг амалда шакланган ўртача нархидан келиб чиқиб, қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фозини миқдорда жарима тўлаши лозим эди. Даъвогар шартнома мазмун-моҳиятини, талабларини чуқур англамай, жавобгарга маҳсулотни етказиб бермаган.

— Шартнома тузишдан олдин қўшма корхона вакиллари билан маҳсулотни ўз техникасида ташин ҳақида оғзаки келишган эдик. Етиштирилган 30 тонна помидорнинг 5 тоннасини ички истеъмол учун ишлатдик. Қолган 25 тонна помидор жавобгарнинг айби билан ерда қолиб, чириб кетди. Бу ҳақда мутахассислар иштирокида далолатнома тузилган, агрохулоса ёзилган, — деди суд мажлиси жараёнида фермер хўжалиги раҳбари Мирзабобо Нарзиев.

Суд даъвоини қаноатлантирмади, фермер хўжалиги важдари рад қилинди.

Ҳўш, нега? Бунга қандай асослар бор эди?

никасида олиб кетишга оғзаки тарзда келишилганини исботлаб бера олмади. Қолаверса, даъвогар маҳсулотни жавобгарнинг манзилга ўз техникаси билан етказиб бериши шартномада қатъий белгиланб қўйилган.

Келинг, энди диққатимизни Қоровулбозор туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими агрономи Р.Жўраевнинг 2007 йил 23 сентябрда ёзган агрохулосасига қаратайлик.

Агрохулосада баён этилишича, фермер хўжалиги 2 гектар ер майдонига помидор уруғини экиб, агротехника талабларига риоя қилган ҳолда маҳсулот етиштирган. Ҳосил, тахминан, 30-33 тоннани ташқил қилишига қайд этилган.

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади. Ҳосилнинг агрохулосаси томондан тараша тушгандай қардан пайдо бўлди? Ҳужжатларни ўрганиш чоғида фермер хўжалиги раҳбари туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи номига ариза ёзмаганлиги аниқланди. Ариза ёзилмаган, тегишли тартибда қайд қилинмаган ва у агрохулоса ёзиш учун ҳосилотга йўналтирилмаган бўлса, мазкур ҳужжат қонуний ҳисобланмайди.

Яна бир қусур. 2 гектар ер майдонигаги помидор бир пайта пишиб етилмади. Шу мақсадда тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловасига кўра, ҳосилни етказиб бериш қуйидагича белгиланган, июль, август ойларида 12 тоннадан, сентябрь ойида 5,25 тонна ва октябрь ойида 0,75 тонна. Бундан ташқари, даъвогар шартнома режасини тўлиқ бажармасдан, қонун ҳужжатларига номувофиқ тарзда 5 тонна помидорни ички истеъмол учун ишлатиб юборган.

Шу тумандаги "Рашидбобо замини", "Рўзиев Маҳмудбобо", "Раҳматов Ҳафиз замини", Қорақўл туманидаги "Имомов Абдуғаффор", "Жаҳонгир Мардонбобо" фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам суд жараёнида шартнома шартларига амал қилмаганликлари учун ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олмадилар.

Мухтасар қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини лозим даражада, реал, асл ҳолида бажариш тамойилларига амал қилинсагина, низозлар келиб чиқмаслиги мўқаррар. **Алишер МАМАТОВ, Бўхоро вилояти хўжалик суди судьяси, Валижон ЮСУПОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

Адлия ёрдам берди

Муродилла Акрамов бундан ўн йил муқаддам Файзуллаҳон номидagi фермер хўжалигини ташқил этган эди. Тошкентда "Ўзқўрғазмасавдо" маркази очилганини эшитиб "Бир неча йиллик орзуми ушаладиган бўлди", дея қувонди. Наманган вилоятдан бир гуруҳ фермерлар сафига кўрғазмага келганида эса ундан бахтли одам йўқ эди.

ФЕРМЕР АЛДАНДИ...



"Альфа Билкастер" масъулияти чекланган жамият томонидан кўрғазмага қўйилган тракторлар унинг диққатини тортиди. Техникалар атрофидан кетолмай қолган фермерни МЧЖ раҳбари А.Туронов илиқ қутиб олди. Жамият томонидан кўрғазмага қўйилган техникаларнинг имкониятлари ва афзалликларини гапирди.

М.Акрамов "Альфа Билкастер" МЧЖдан МТЗ-82 трактор сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолади. Шартномага мувофиқ, фермер хўжалиги ва МЧЖ раҳбарлари бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар. Жумладан, фермер хўжалиги трактор учун тўловни ўн кунда 100 фоз эамалга ошириши, МЧЖ эса маблағлар ўз ҳисоб рақамига тушган кундан эътиборан 45 кунда тракторни фермерга бериши шартлиги қайд этилган эди.

Сафардан Муродилланнинг кўнгли тўлиб қайтиди. Вилоятга келиши билан оқ елиб-юғуриб, ТИФ "Миллий банк"нинг Косонсой тумани бўлимидан фермер хўжалиги номига кредит расмиyllаштирди ва шартномада кўрсатилган 28 миллион сўмни белгиланган муддатда суд муҳокамаси бўлиб ўтди.

— Бир йилдан ортиқ давом этган асабзузарликларга чек қўйилиб, адолат қарор топди, — дейди М.Акрамов. — Адлия бошқармаси менинг манфаатларимни ҳимоя қилиб, Тошкент шаҳар хўжалик судига қиритган даъво аризаси қаноатлантирилди. "Альфа Билкастер" МЧЖга трактор учун берилган маблағ ва шартнома шартларини бузиб, кечиктирилган кунлар учун жаримани ҳам ундириб, ҳаммаси бўлиб 30800000 сўмни тўла қайтариб олдим. Давлат божи ва суд харажатларини ҳам А.Туронов тўлашига тўғри келди.

"Ўзқўрғазмасавдо" маркази нуфузли жой. Бу ерда "Альфа Билкастер" МЧЖ раҳбарлари каби "ишбилармон"ларнинг иштирокида таётганлари эса гоёт ачинарлидир. Биз эса хулоса қилишни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Ҳакимжон ХАЛИЛОВ, Наманган вилояти адлия бошқармаси ходими, Абдуҳшом МАДАТОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

кафолатини таъминлаш давлат аҳамиятига молик сиёсатдир

Бош прокуратураси, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида тайёрланди.

ВА ҲУҚУҚ

шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ўн минг нафардан зиёд ёшлар мутасадди идоралар ҳамкорлиги ва прокуратура органлари ёрдами тўғрисида муваффақиятлари бўйича ишга жойлаштирилди.

Ноғирон болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида вояга етмаганлар билан ишлаш

комиссияси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ва "Камолот" ЁИХ вилоят Кенгаши ҳамкорлигида уларнинг 17 нафари махсус аравачалар билан таъминланди. Шунингдек, вилоятдаги ички ишлар органларининг профилатика хисобида турган вояга етмаганлар ҳамда уларга салбий таъсир

кўрсатиб келган ота-оналар билан шахсан туман (шаҳар) прокурорлари томонидан суҳбатлар ўтказилиши ва бу ҳақда қайд этиш китобларининг юритилиши яхши натижалар бермоқда.

Вилоят ҳудудида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 5 тага камайган. Болаларга таълим-тарбия бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаган 533 нафар вояга етмаганларнинг ота-оналари ва уларни боқувчи шахслар Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Вояга етмаганлар билан ишлашда мутасадди тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш асосида фаолият юритиш бу борадаги муваффақиятларни таъминлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тажриба тарихида оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш хизмати ташкил этилди, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси,

васийлик ва ҳомийлик тизими ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди. Вилоят прокуратура органлари вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини таъминлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашни ташкил қилиш борасида ана шундай жамоат ташкилотлари билан биргаликда фаолият юритмоқда.

Исматулло Йўлдошев, Самарқанд вилояти прокурори катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси

Жиззах вилоятидаги чўл туманларининг биридан қайтаётганим. Машинамиз бузилиб қолди. Ҳаммаёқ қор, ҳаво совуқ. Қанча қўл кўтармай, бирорта машина тўхтаб қолмайди. Туман марказигача 35 километр. Уч-тўрт чақирим пиёда йўл босгач, гира-ширада далага яхоб суви бераётган кишига кўзим тушди. Қишда яхоб беришнинг ўзи бўлмайди. Резина этикда, муздек лойни кечиб юриш осон эмас.

● Сўнгги пушаймон

"ҚАЙСАР"НИНГ ҚУЙИЛИШИ

ёки ёшликнинг бебошлигидан ҳаёти барбод бўлган, сўнг тавба-тазарру қилган инсон тақдири ҳақида

— Ака, кечирасиз. Туман марказига боришнинг яқинроқ йўли йўқми? — дедим.

Мезбон бу ерларда шақал кўпайганини, улар тўда-тўда бўлиб юришини, қишлоқ-кировли кунларда оч қолганидан ҳеч нарсадан тап тортмаслигини, ҳар эҳтимолга қарши анча жойгача кузатиб қўйишини айтди. Фонус, таёқ олиб, йўлга тушдик. Бироздан сўнг "исмингизни ҳам сўрамабман", дедим хижолатомуз.

— Исмимни айтишга уяламан. Сабаби бир пайтлар ота-онам, қариндош-уруғ, ёру дўстлар олдида гуноҳ ишлар қилганман. Бу ерларда мени бошқа исм билан, яъни "Қайсар", деб аташади, — деди у ва мен билан дардлашгиси келди шекилли, бошидан ўтган воқеаларни айтиб берди.

— Дадам бир ташкилотда раис ўринбосари, онам уй бекаси эди. Оиламиз фаровон, ўзимизга тўқ, бир ўғил, икки киз эдик. Институтда яхши баҳолар билан ўқирдим.

Кунларнинг бирида курсдош ўртоғим мени бир жойга таклиф қилди. "Кечкурун соат еттида кел, кутаман, маза қилари. Қизлар ҳам бўлади", деди. Ҳеч оёғим тортмасида, бордим.

Роса ўйнаб-қулдик. Кейин курсдошим билан чекадаги хонага кирдик. У ерда йигитлар чекиб

ўтиришарди. Ўртоғим банкадаги тутундан сипқарди, сўнг менга тутиб: "қани бир маза қил-чи", деди. Аввал, унамадим. Ўтирганлардан бири: "Ўғил боламисан, ўзи!" деганидан сўнг ўша нарсадан "татиб" кўрдим.



Ўша кунни уйга қандай етиб борганимни билмайман. Ота-онам мени ухлამасдан кутиб ўтиришган экан. Анча койиши, бошидан ўтган воқеаларни айтиб берди.

— Дадам бир ташкилотда раис ўринбосари, онам уй бекаси эди. Оиламиз фаровон, ўзимизга тўқ, бир ўғил, икки киз эдик. Институтда яхши баҳолар билан ўқирдим.

Кунларнинг бирида курсдош ўртоғим мени бир жойга таклиф қилди. "Кечкурун соат еттида кел, кутаман, маза қилари. Қизлар ҳам бўлади", деди. Ҳеч оёғим тортмасида, бордим.

Роса ўйнаб-қулдик. Кейин курсдошим билан чекадаги хонага кирдик. У ерда йигитлар чекиб

насида алғов-далғов бўлганини эшитдим. Кўп ўтмай дадамни қамаб қўйишди. Менинг юришим бу бўлса. Ойим мен ва дадамнинг гамида адоий-тамом бўлди. Юрак хасталигига чалинди. Уйимиздан файз-баракат кетди. Ночор яшайдиган бўлиб қолдик.

Оғайнилари билан пул топиш йўлини излаб, қўшни кўчадаги бир уйга ўғирликка тушишга қарор қилдик. Эрталаб уйга жиноят-қидирув бўлими ходимлари келиб, мени олиб кетишди. У ёққа борганимда маълум бўлдики, ҳамтовокларимни ҳам тутиб келишди. Ўғирлик, гиёҳвандлик сабабли ҳаммамизни суд қилишди. Қамок жазоси берилди.

Ўша ерда даволашди. Озодликка чиққач, ўтмишни унутиш, ўзимни тиклаб олиш учун чўлга келдим. Ҳозир кўрганнигиздек, ишлайман. Ҳаммасига чидаяман. Сўхбатимиз қизганидан ўн чақиримгача юриб қўйганимизни сезмабман ҳам. Шу пайт туман марказига томон кетаётган йўловчи машина ёнимизда тўхтади. Қайсар ака билан хайрлашиб, машинага чиқдим. Ҳамон у айтиб берган воқеалар таъсирида эдим. Машина юрч, бурилиб орқага қарадим. Қайсар ака илдамлаганча, чайласи томон кетиб борарди...

Тوليбжон ЭРГАШЕВ

● Жараён

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА ТАРҒИБОТ


Демократик ҳуқуқий давлат қуришда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади. Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир".

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотларини жадаллаштириш, қонунларни ҳаётга татбиқ этиш учун энг аввало, суд-ҳуқуқ тизими идоралари ходимлари уни пухта билишлари ва чуқур аниқлашлари лозим. Шу каби ҳарбий соҳадаги ислохотларни қонунчилик йўли билан таъминлаш самарадорлиги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи билан узвий боғлиқ. Шу боис Навоий ҳарбий суди томонидан ҳам ҳарбий қисмларда амалдаги қонунлар тарғиботи ва ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақияти аҳолининг кенг қатламлари қонунларни амалда татбиқ этишда фаол иштирокига, ҳар бир инсоннинг қонун асосида яшаш ва ишлаш учун тайёрлигига ҳам боғлиқлигини тушуниришга оид суҳбатлар, турли

тадбирлар ўтказилмоқда.

2007 йил мобайнида айрим жиноят ишлари ҳарбий суд томонидан сайёр суд мажлисида кўрилган. Сайёр судларнинг бевосита ҳарбий қисмларда ва жойлардаги ҳарбий комиссариатларда ўтказилиши қонунларимиз ҳаётда изчил ифодасини топаётганига ишончли орттиради. Ўтган йилда кўрилган ишларнинг бир қисми ярашув асосида ҳал этилиши эса муҳим чора-тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарасини, қонунларимизнинг юксак инсонларварлик тамойилларига асосланганлигини фуқаролар яхши тушунаётганлигини кўрсатиб турибди.

Ҳарбий қисмларда мунтазам равишда турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва ҳуқуқий кунлар ўтказилаётганлиги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилмоқда. Бу тадбирларда қонунларимиз мазмун-моҳиятини



тушунириш билан бирга "Ҳарбий хизматни ўташ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчи", "Ҳарбий хизматчилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Ҳарбий жиноятларнинг олдини олишда ҳарбий судларнинг роли", "Суд ҳокимиятининг мустақиллигини қафолатловчи омиллар", "Еш аскарларнинг ҳуқуқий билимини ошириш" каби мавзуларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳуқуқий тарғибот ишлари газетга, радио, телевидение орқали ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Албатта, қонунчилигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-

ҳаракатларимиз самараси қонунларни пухта ўрганиш ва уни амалда қўллаш бўлиб билиш билан ҳам белгиланади.

Мамлакатимиз тинчлиги ва юртимиз оқошшалиги ҳарбий куч-қудратимизга боғлиқ экан, ҳарбий хизматчилар сафини билимли, мард ва соғлом, ҳуқуқий маданиятли ёшлар билан кенгайтириш она юртимизни кўз қорачиғидек садоқат билан асраб-авайлашга, мудофаа ишларини тақомиллаштиришга, Ватан ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳамидулла КАМОЛОВ, Навоий вилоят Ҳарбий суди раиси, адлия капитани

Жиноятчилик, коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади, дея таъкидлайди Президентимиз И.Каримов "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида.

Коррупция хавфи бугунги кунда нафақат оддий фуқарони, балки у аъзо бўлган жамиятнинг, давлат ва халқро ташкилотларни ҳам жиддий хавотирга солмоқда.

Дунёда коррупция келтирадиган салбий оқибатларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кўриш мумкин. БМТнинг собиқ Бош қотиби Кофи Аннан "Коррупция пора беришга қурби етмайдиганлар учун асосий ижтимоий хизматлардан фойдаланишни имконсиз қилиб қўяди. Тараққиёт учун мўлжалланган шундай ҳам кам ресурсларнинг нотўғри ишлатилишига олиб келади, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш ва таълим сингари асосий эҳтиёжлар билан таъминланишни мушкуллаштирилади. У турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида дикриминацияни туғдиради, нотенглик ва адолатсизликни озиқ-овқат, хорижий инвестиция ва ёрдамларни чўчишиб, тараққиётни секинлатади. Шунинг учун ҳам у сиёсий барқарорлик ва муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун жуда хавфли тўқилишлар", деб ёзган эди ўз мурожаатида.

Жамиятда коррупцияга қарши умумий қоралаш муҳити шаклланиши коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига, унинг миқёси янада кенгайиб боришига, оқибатда эса миллий тараққиёт ва хавфсизликка таҳдид солувчи реал хавф манбаига айланишига олиб келади.

Коррупция деганда кенг маънода — мансабдор шахсларнинг мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларидан тўғридан-тўғри шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдалани-

● Таҳлил

КОРРУПЦИЯ НИМА?

УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ИШОНЧINI СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА ОЛИБ КЕЛАДИ

(мисол учун белгиланган тартибга хилоф равишда бирор бир фирма давлат буюртмасини олади), мансабдор шахс эса эвазига қандайдир мукофот олади.

Тадқиқотчилар коррупцияни назарий жиҳатдан ўрганишда шартли равишда юқори даражада ва қўйи даражада содир этиладиган, йирик ва майда гуруҳларга бўлишади. Юқори идораларда содир этиладиган коррупция сиёсатчилар, олий ва ўрта мансабдор шахслар доирасини қамраб олган бўлиб, юқори нарҳда баҳоланадиган қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлади (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда, давлат буюртмаси, мулк шаклини ўзгартириш ва бошқаларда). Юқори коррупция давлат, ижтимоий ва хусусий ҳаётга қанчалки аралашса, унинг қўлами ҳам шунча кенг

кўраверади. Қўйи коррупция эса ўрта ва қўйи даражада кенг тарқалган бўлиб, мансабдор шахс ва фуқаро ўртасидаги доимий ва қолоқ муносабатлар билан боғлиқ (жарималар, рўйхатдан ўтказиш ва бошқалар). Баъзан коррупциявий битимнинг иккала томони ҳам бир ташкилотга тегишли бўлади. Масалан, мансабдор шахс коррупциявий қилмишларига ҳомийлик қилиши (ёки жим туриши) учун ўзининг бошлиғига пора беради. Ҳуқуқий адабиётларда бундай коррупция "вертикал" коррупция деб номланади. Одатда, бу турдаги коррупция қўйи ва юқори коррупция ўртасида кўпик вазифасини ўтайди. Йирик коррупция давлат ва жамият манфаатларига, мамлакат иқтисодиётига улкан зарар келтириши билан изоҳланади. Майда коррупция қўйинча моддий ҳолат

билан боғлиқ бўлади, яъни ушбу турдаги коррупциявий қилмишларни содир этувчилар асосан моддий бойликка ружу қўйган кишилар бўлишади.

Коррупцияга қарши кураш чораларини шартли равишда иккига: ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларга бўлиш мумкин. Ҳуқуқшунос-криминолог олимлар ва мутасаддис-амалиётчиларнинг фикрлари, тўпланган тажрибалар асосида коррупцияга қарши курашда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш мумкин. Аввало, коррупциянинг олдини олишга қаратилган қўшимча ҳуқуқий нормаларни яратиш. Бу-

кадрлар сиёсатида уларнинг ахлоқий жиҳатларига кўпроқ эътибор бериш; уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи бўлинмалар билан коррупцияга қарши курашувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш; коррупцияга қарши курашувчи идоралар ходимларининг ва улар оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини амалга ошириш.

Учинчидан, давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг даромад ва харажатларини назорат қилиб туриш, ноқонуний даромад манбаларини бартараф этишга тааллуқли бўлган чоралар қўрилиши ҳам маълум натижалар бериши мумкин.

Тўртинчидан, коррупцияга қарши курашнинг муҳим бир йўналиши сифатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигининг ошиши, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллашлари учун ҳуқуқий маданият етарлича шаклланган бўлиши лозим. Шу эзгу мақсадларга хизмат қиладиган кенг қамровли тизим яратилиши учун юртимизда бир қанча ишлар, тадбирлар йўлга қўйилаётгани бежиз эмас. 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ҳаётга татбиқ этилаётгани бунинг яққол ифодасидир. Дарҳақиқат, жамиятимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ.

Мазкур Дастурда бу борада белгиланган чора-тадбирлардан бири — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг бўлажак кадрлари — юридик олий ўқув юртиларида таълим олаётган ёшларнинг келгусида етак мутасаддис бўлишлари учун замин яратиш, уларни маънавий соғлом муҳитда камол топтириш, порачўрлик ва тавмағирликдан йироқ бўлишга, ҳалоллик ва покликка ўргатишдир.

Бешинчидан, республикамизда содир этилаётган коррупциявий жиноятларнинг аксарияти ошна-оғайингарчилик, қариндош-уруғчилик (протекционизм) билан боғлиқ ҳолда юзага келмоқда. Бундай жиноятларни очиб ўзига хос қийинчилик туғдиради. Табиийки, одамлар бундай жиноятлардан беҳабар қолмайди. Коррупцияга қарши курашувчи идораларнинг маълум бир ҳудудда, муайян бир орган(ташкilot)нинг фаолияти хусусида ижтимоий сўровлар ўтказиши, кишиларнинг аниқ бир шахсга берилган баҳосини ўрганиш бу турдаги жиноятларни фох этишда самарали воситалардан бири саналади.

Коррупциянинг энг ёмон оқибатларидан бири халқнинг давлатга ва мансабдор шахсларга ишончи суусайишидир. Ислохотлар жараёнига, тадбиркорлик ва ташаббускорликка тўсиқ бўлувчи ва қатор ижтимоий салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган коррупцияга халқро миқёсда ҳам ижтимоий хавфли иллат сифатида баҳо берилган. Мақсади-миз бўлган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш барча соғлом кучларнинг бу иллатга қарши кескин ва ҳамжихатликда курашишини тақозо этади.

Худоёр МЕЛИЕВ, Адлия вазирлиги маъсул ходими, тадқиқотчи

Адлия вазирлигида таниқли шоира Фарида Афрўз билан учрашув-мулоқот бўлиб ўтди. Унда бир неча шеърини китоблар муаллифи Фарида Афрўз адабиёт ва маънавият, аёлининг оила ва жамиятда тутган ўрни хусусида сўз юритди.

ШЕЪРИЯТ САБОФИ



Кўплаб шеърларида тафаккур эврилишларини нозик ифодалаган шоиранинг бугунги китобхон диди, шеърни тушуниш, унда ифодаланган туйғуларни ҳис қила билиш ҳақида фикр-мулоҳазалари кўпчилида кизиқиш уйғотди.

Хаёт ва воқелик, бирор кечинма таърифида киска сатрларда теран фикрни ифодалай билиш санъати ҳақида сўз юритар экан, шоира бу маънода улғу мактаб яратган буюк шоирларимиз ижодига ҳам эътибор қаратди.

Шеър дунёни ва ўзликини англашга, бошқаларни тушунишга хизмат қиладиган сўз санъати бўлгани боис, бу санъат барча соҳа ходимлари, каттаю кичикни ўзига ошно қилади, маънавий озиқ беради.

Учрашувда Фарида Афрўз ўз шеърларидан ўқиб берди. Мулоқот чоғи йилгиланлар маънавият, шеър ва санъат каби мавзуларда ҳамда шоира ижодига доир ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишти.

Дилноза АБДУЛЛАЕВА

Мушоҳада

ДУНЁНИНГ БЕТАКРОР ҲАЙРАТИ

Аёл — оппоқ сўзининг маъносига ўхшайди. Аёл — матонат сўзининг таржимасига ўхшайди. Аёл — эзгулик сўзининг тажнисига ўхшайди.

Аёл... У яна нималарга ўхшайди? Билалмадим. Билганим шуки, аёл-аёлга ўхшайди.

...Замонлар ўтди. Кимдир аёлни ойга, яна кимлардир кўёшга менгашди. Яна аллаклар эса аёл-аёлга ўхшамай қолди, дея бонг уришти.

... Ҳа, бир замонлар ўтди. Аёл-аёлга ўхшамай қолган замонлар. Аёлни юксаклардан ерга тушириб қўйган замонлар. Чиройини пахта эгатларига сочиб ташлаган замонлар ўтди...

Тарихдан маълумки, ҳар қандай тузум, давр ва замонда ҳам аёл жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилаб келган. Шу боис аёл ўз даврининг ахлоқий сурати саналади. Аёлнинг нигоҳларига боқиб, ўша жамиятга баҳо бериш мумкин. Шундай экан, бугун аёл ҳақида ёзаётганимизда, сўзлаётганимизда, ўйлаётганимизда нималар дея оламиз?

Буюк Паскаль айтиди: "Агар Клеопатранинг бурни сал қийишқ бўлганида, эҳтимол, инсоният тарихи бошқачароқ йўлдан юриши мумкин эди".

Дарҳақиқат, дунёга машҳур файласуф нега бундай лутф этди?

Яна тарих китобларини varaқлаймиз. Шу нарса аёнлашадики, Клеопатранинг гўзаллиги ўз даврида империялар тўқнашувига сабаб бўлган.

Тасаввур қилинг, аёлнинг гўзаллиги ва нафосати кўна тарих ўзинини бошқа йўлга буриб юборган. Демак, барча замонларда, ҳамма даврларда айрича мақоми бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак.

Ахли билгичларнинг айтишларича: аёл — яратувчи томондан мукамал қилиб яратилган. Аёлнинг борлиги бахт, аёлнинг яра-

тилиши бахт! У мукамаллик тимсолидир!..

Мукамаллик нима ўзи? Сиртдан қараганда, ҳар биримиз ўзимизча мукамал, ҳар биримиз ўзимизча бир дунё. Ниятимиз пок, кўнглимиз оқ, Яшяғимиз бировдан кам, бировдан устун. Ҳар



қуни, ҳар лаҳзада рўзгор, оила, бола-чақа ташвиши билан оврамиз. Гоҳ қувончдан шодлансак, гоҳ қайғуга ботамиз, йилғаймиз, сиқтаймиз, лекин бир амаллаймиз, чекинмаймиз, курашамиз, хуллас, яшашни уddалаймиз. Нима бўлса ҳам фарзандларимиз биздан кўра яхшироқ, бахтлироқ яшасин дея, дуо қиламиз.

Ҳа, асли аёллик қисмати мана шундай бетакроор-бетимсол, бекиёс ва ширин ташвишлар билан безатилгандир. Бир сўз билан айтганда, Аёл — бу гўзал ҳаётнинг гўзал тимсолидир! Чунки тақдир қалами унинг қисматини улғу, муҳтарам, азиз ва боз устига, хокисор этиб битган. Давр, замон чархпалаги эса

биз истаган ва истамаган тақдир уйинларини ҳаёт узанига келтириб тўкаверади. Аёл эса ҳеч қачон чекинмайди.

Бизни яна лол қолдириб, ҳайратларга солиб олға кетаверади.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва салмоғи ортиб бормоқда. Ҳозирда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 15 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 18 фоизи аёллардир. Қолаверса, турли даражадаги раҳбарлик лавозимидagi аёллар сони 13,5 фоиздан ошиб кетгани янада қувонарли. Бугунги кунда академиклар сафидa 8 нафар аёл бўлса, 310 нафари фан доктори (16 фоиз), 3025 нафар фан номзоди (33 фоиз) ҳам аёллар.

Оппоқ либосдаги шифокор аёллар қараб, меҳрин тобланса, харбий кийимдаги матонат ва шижоатли хотин-қизларимизни кўриб, ҳайратинг ошади. Улар кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ ҳозир.

Бу ҳам аёлнинг яна бир мукамаллиги эмасми?! Уларнинг ҳар бирини замонамиз қаҳрамонлари десак, ҳеч бир ортиқча ташбеҳ қилган бўлмаймиз. Чунки улар мустақил юрт тақдирига бепарқ эмаслар. Ана шундай нафосатли, матонатли, фидойи ва гўзал аёлларимиз ўтмиш, бугун ва бундан кейин ҳам замон, давр ва жамият раванқига ҳисса қўшишга қудрати етган ва етажак.

Демакки, аёл ўзгарувчан оламнинг ҳайрати ҳамдир! Аёл — фидойилик рамзи, матонат тимсоли, гўзаллик маъбудаси эканлиги, шубҳасиз. Энг муҳими, Аёл дунёнинг бетакроор ва бетимсол ҳайратидир!

Гулсумхон ШОДИЕВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Чакмоқтош

БАЛТАСАР ГРАСИАН (1601-1658)

Балтасар Грасиан Испаниянинг Блемонте қишлоғида эътиборли шифокор оиласида туғилиб ўсди. У болалигиданоқ ўз истеъдоди билан бошқалардан ажралиб турган.

Балтасар 1619 йилда диний мактабга ўқишга боради. 1619-1623 йилларда фалсафадан сабоқ олади. 1623 йилда эса Сарагосда илоҳийёт илминини ўрганади.

Ҳаётининг диққатини чалғитишга урин. Ҳаракатларини мунтазам ўзгартириб тур. Зеро, тўғри учиб бораётган қушни уриб тушириш, айланма ҳаракат билан чарх ураётган қушни нишонга олишдан кўра осонроқдир. Бир хиллик — сирини очади, режани фоти этади.

Меъридан ортиқ умид-лаима. Одатда ҳаддан ортиқ макталган нарса ишончини оқламайди. Воқелик ҳеч қачон ҳаёт ортиндан эргашмайди. Зеро, орзу қилмоқ осон, аммо унга эришмоқ гоят мушкул.

Ўзидаги нуқсонни фази-

латга айлантира олиш санъати, айниқса, қадрлидир. Тенгвал Цезарь бошига доимо дафна дарахти япроғидан ясалган тож кийиб юрган.

Ҳар бир одамнинг қалбига йўл топа бил. Одамларни бошқара билиш санъати ана шундодир. Бунинг учун доворак бўлиш шарт эмас. Ҳар бир одам табиатдан турли нарсаларга майл қўяди. Кимдир обрў-эътиборга ўч бўлса, бошқа бировни фақат ўз манфаати қизиқтиради. Қўнчилик роҳат-фароғатни афзал билади. Сен аввал одамларнинг шу нарсалардан қай бирига мойиллигини била-да, кейин уларнинг қўнгли-



га йўл топиш учун керакки воқитини қўлла.

Зарурият туғилганда ўзининг четга олишини ҳам бил. Оламда беҳуда машғуллар қўт... Лекин ҳеч ш қилмаганда кўра, беҳуда ш билан машғул бўлган ҳам яхшироқ. Ақлли одам ҳеч қачоннинг қўнглига урмайди. Шуниндек, у ўзгалардан безор бўлмашликнинг гамини ҳам емоғи жоиз. Ҳаммага тегишли одамнинг ихтиёри ўзида бўлмайди. Ўзининг ҳатто дўстлардан ҳам чегаралай бил. Улардан имкониятидан ортиқ ҳеч нарса талаб қилма. Ҳаддан ошмоқлик, айниқса, одамлар билан муомалада меърини сақлаш билмаслик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Саида ЖУРАЕВА тайёрлади

UZBEKISTAN Airways
Сайёҳатингизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан бирга режалаштириң!»

2008 йил 7 мартдан жума кунлари
Тошкент - ДУБАЙ - Тошкент
йўналиши бўйича янги қатновчи очилди.

Тошкент - СЕУЛ - Тошкент йўналиши бўйича:
• қатновларнинг бажарилиши ҳафтасига ўч мартага етказилди;
• бепул багаж олиб кетиш меъёри оширилди;

биринчи класс - 60 кг
бизнес класс - 45 кг
иқтисодий класс - 35 кг

шунингдек, "Uz Air Plus" дастури қатнашчилари учун янги шартлар киритилди.

Маълумотлар учун телефонлар: (998 71) 140 - 02 00. www.uzairways.com
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қўлайлик!»

ЭЪЛОН!

Наманган вилояти адлия бошқармаси Косонсой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шугулланган ҳуқуқни берувчи лицензия эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Меънат дафтрасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шугулланган ҳуқуқни берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охириги иш жойидан берилган меънат фаолияти тўғрисидаги тасдиқнома;
7. Нотариал фаолият билан шугулланган ҳуқуқни берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мавбодий нотариус лавозимда иш бошлаганидан кейинги тасдиқнома.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Наманган вилояти адлия бошқармаси телефони: (8369) 226-26-73

ИПОТЕКА BANK

ИПОТЕКА BANK

... шундай пайтлар бўладики, кутилмаган харидлар бизга қувонч бахш этади

Ипотекабанк пластик карточкалари - бу сизнинг маҳсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари таклиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 17 000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.

Хизматлар лицензияланган WWW.IPOTEKABANK.UZ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ЭЪТИБОРИГА!

Юртимизда баҳор. Ҳадемай, миллий кадрларимиз тантанаси — Наврўз айёми республика миқёсида кенг нишонланади. Шу муносабат билан газетамиз саҳифаларида табриқлар, эълонлар, рекламалар ва тижорат мақолалари чоп этиш режалаштирилган.

Ушбу жараёнда Сиз четда қолманг. Газетамизнинг фаол иштирокчиси бўлинг. Таклифларингизни кутамиз.

Мурожаат учун телефонлар: 233-84-50, 233-65-99
Тахририят.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилган. Бироқ гуруч курмакисиз бўлмаганидек, тадбиркорлар орасида ҳам ўз нафсининг қулига айланган, бунинг оқибатида мавжуд қонунчиликни бузиб, давлат ва халқ манфаатига катта зиён етказётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Тўйтепалик Санобар Дехқонова (исмлар ўзгартирилди) ҳам яхши ниятлар билан "Соибжон савдо" хусусий корхонасини тузиб, унинг раҳбарлигига акаси Маҳкамни, бош ҳисобчиликка эса келинчиси Мавлуда Ашуровани тайинлайди. Ният холис, бунинг устига тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор тўфайли қариндошлар ишбилармонлик фаолияти орқали мўмайгина даромад ҳам ортиришади. Топаётган даромадлари орқасидан тўй қилишади, уй-жой тиклашади. Хуллас, эл орасида яхшигина обрўга ҳам эга бўлишади. Бироқ бу икки аёл давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилган шунча эътибордан қониқмай, мўмай пул топиш илҳижда мавжуд қонунчиликни бузишга қўл уришади. Яъни ўтган йил ёз ойларида "Соибжон савдо" хусусий фирмаси номига Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги томонидан бир тонна пахта ёғи учун кафолат хати олишади. Албатта, ушбу тадбир жойларда пахта ёғига

айтганимиздек, халқни эмас, ўз нафсларини уйлаб қўл уришади.

Келинг, шу ўринда суд ҳукмидан қичқирган бир иқтибос келтираймиз.

...Судланувчи Санобар Дехқонова Ўртачирчиқ туманида жойлашган ва рўйхатдан ўтган "Соибжон савдо" хусусий корхонаси бош ҳисобчиси лавозимини

Нафс ГУРУЧ КУРМАКИСИЗ БЎЛМАЙДИ...МИ?

бўлган талабни қондириш учун белгиланган бир чора эди. Бироқ бу икки аёл на давлат, на халқ манфаатини ўйлади.

Кафолат хатини қўлга киритган Санобар ва Мавлуда-хонлар Тошкент шаҳридаги "Озёқ-овқат моллари" ОАЖга йўл олишди ва жамиятдан умумий баҳоси 1044.000 сўмлик пахта ёғи олишиб, изларига қайтишди. Воқеанинг ривожидан беҳабар одам бу икки аёлнинг қилаётган ишини кўриб, "бунинг нимаси ёмон, ахир елиб-юғуриб ҳокимликка борибди, ёғ олишибди", дейиши мумкин. Лекин улар бу ишга юқорида

бир тонна пахта ёғини қабул қилиб олишади

Лекин ёғни "Соибжон савдо" корхонасига кирим қилмасдан, меъёрий тарзда ўрнатилган савдо қоидаларини бузишиб, яъни улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи махсус лицензияга эга бўлмаса-да, терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга 1300.000 сўмга улгуржи сотишади. Сотувдан тушган нақд пулни назорат кассаси аппаратидан ўтказмайдилар. Уларни ўрнатилган тартибда банк муассасасига инкассация қилмасдан ўзаро бўлиб олишади. Тошкент шаҳридаги "Озёқ-овқат моллари" ОАЖга анча микдордаги моддий зарар етказишади".

Назаримизда энди гапни чўзиб ўтиришнинг ўрни эмас. Негаки, ҳукмдан олинган шу ихчамгина парчанинг ўзиёқ бу икки аёл қўл урган жиноятнинг маъмури-моҳиятини кўрсатиб турибди.

Яқинда Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани жиноят ишлари бўйича судида мазкур иш кўрилиб, айбдорлар қонуний жазоларини олишди. **Зокир АНОРБОЕВ, Ўртачирчиқ тумани прокуратораси иш ўрганувчиси**

да ишлайдиган келинчиси, яъни судланувчи Мавлуда Ашурова билан ўзганин мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида олдидан жиний тил бириктиришиб, 2007 йил 4 август кuni Ўртачирчиқ ҳокимияти томонидан "Соибжон савдо" хусусий корхонасига бир тонна пахта ёғи олиш хусусида берилган кафолат хатига асосан шу кuni Тошкент шаҳридаги "Озёқ-овқат моллари" ОАЖ билан "Соибжон савдо" корхонасига 1 тонна пахта ёғи олиш ҳақида шартнома тузилиб, умумий нархи 1044.000 сўмлик

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаро Иззатилло Тилловга 1997 йил 25 июль куни берилган ВН 000024 рақамли нотариал фаолият билан шугулланган ҳуқуқни берувчи лицензиянинг йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Адлия вазирлиги жамоаси ва қасаба уюшмаси вазирлик ходими Зунунджанова Камола Анваровнага падади бузуқворчи **Анвар отанин** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Адлия вазирлиги жамоаси вазирлик ходими Болтаева Барчиной Ғайратовна ва унинг оила аъзоларига волидай-муҳтарамаси **Зарифахон аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарма Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Гулбўй Баллиева волидай муҳтарамаси

Ойдин аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўриғом Мустафаевич
Ражабова Мавлуда Абдуллаева
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Рахмонов Абдуқамол Шодиевич
Маматов Шоди Сулоянович
Матрасулов Давлатназар
Раҳимбергенович
Сандов Шокир Камолевич
Ҳамроев Исрол Ҳамзаевич

Навбатчи: **Алимурод ТОЖИЕВ**
Саҳифаловчи-дизайнер: **Фарход ХУЖАНАЗАРОВ**

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси тахририяти компьютер базасида териди ва саҳифаланади. А-2 бичида, 2 бома табоқ ҳажмида, обрөвт усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Ғ-216. Тиражи — 12988. [т] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Саййилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-84-50, Факс: 233-95-31.
1 2 3 4 5 6 7 8